



## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ИЖОБИЙ ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Тошназарова Лола Шухратиллаевна -  
Тошкент давлат иқтисодий  
университети мустақил тадқиқотчиси*

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a68](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a68)

**Аннотация.** Мазкур мақолада банксуғурта модели, унинг пайдо бўлиши ва оммавийлашуви, хусусиятлари ҳамда суғурта хизматлари сотувини кенгайтиришдаги роли тўғрисида фикр юритилиб, бунда суғурта компаниялари банксуғурта моделини амалда самарали ва доимий йўлга қўйишни мақсад қилган ҳолда банкларни танлаш ва ўзаро муносабатларни йўлга қўйишда қўл ҳолларда йўл қўядиган хатоликлари ва бундай ҳолатларга йўл қўймаслик йўллари тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари мазкур мақолада “Big Data” хизматлари, ушбу хизматнинг бугунги ахборот технологиялари ривожланган шароитда қай даражада муҳим эканлиги билан боғлиқ масалалар ҳар жиҳатдан очиқ берилган ва шундан келиб чиққан ҳолда хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** таваккалчилик, суғурта, банксуғурта, маълумотлар базаси, “Big Data” хизматлари, рақамли технологиялар, суғурта фонди.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОПЫТА РАЗВИТЫХ СТРАН В ФОРМИРОВАНИИ ПОЛОЖИТЕЛЬНОГО ИМИДЖА НАЦИОНАЛЬНОГО СТРАХОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА

*Тошназарова Лола Шухратиллаевна -  
Ташкентский государственный экономический  
университет, независимый исследователь*

**Аннотация.** В данной статье рассматривается модель банковского страхования, ее возникновение и популярность, особенности и роль в расширении продаж страховых услуг, разработаны рекомендации по способам предотвращения таких случаев. Кроме того, в данной статье подробно описывается важность сервисов больших данных (“Big Data”), значение этого сервиса в современных передовых информационных технологиях и на его основе делаются выводы.

**Ключевые слова:** риск, страхование, банковское страхование, база данных, сервисы больших данных, цифровые технологии, страховой фонд.

## USING THE EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES IN THE FORMATION OF A POZITIVE IMAGE OF THE NATIONAL INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN

*Toshnazarova Lola Shuratillaevna -  
Tashkent State University of Economics,  
independent researcher*

**Annotation.** This article discusses the model of bancassurance, its emergence and popularity, features and role in expanding sales of insurance services, and develops recommendations on how to prevent such cases. In addition, this article describes in detail the importance of big data services (“Big Data”), the importance of this service in modern advanced information technologies and draws conclusions based on it.

**Keywords:** risk, insurance, bank insurance, database, big data services, digital technologies, insurance fund.

**Кириш.** Молиявий инфратузилма ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири “банксуғурта” (“bancassurance”) бўлиб, ушбу модель ривожланган ва кўпгина ривожланаётган мамлакатлар банк ва суғурта тизимида самарали равишда кенг қўлланиб келмоқда. Банксуғурта модели дунё тажрибасида 1920 йиллардан бошлаб қўлланиб келаётган бўлса-да, “bancassurance” термини биринчи бўлиб 1970 йилларнинг охирида суғурта хизматларини банк орқали сотиш тушунчаси сифатида Францияда пайдо бўлган. Бугунги кунда ушбу термин суғурта хизматларини банк орқали сотиш маъносини англатиб, банк суғуртачиси “bancassu-

ger” сифатида мижозга банк хизматлари билан бир қаторда суғурта хизматларини ҳам кўрсатувчи ташкилот тушунилади.

Банксуғурта (“bancassurance”) концепциясининг моҳияти банклар ва суғурта компанияларининг ўз банк ва суғурта хизматларини кўрсатишни мувофиқлаштириш мақсадида ўзаро интеграцияни йўлга қўйиш, банк ва суғурта хизматларини биргаликда олиб бориш, бир мижозга бирданига икки хил хизмат турини таклиф этиш ва кўрсатиш ҳамда ўз ҳамкорининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишдан иборат. Банксуғурта ҳар бир мамлакатда ушбу мамлакатнинг демографик, иқти-

содий ва ҳуқуқий муҳитидан келиб чиққан ҳолда турлича ташкил қилинган. Барча мамлакатлар учун бир хил бўлган банксуғурта концепцияси мавжуд эмас. Шунинг таъкидлаб ўтиш керак, суғурта полисларини банк орқали сотиш суғурта компаниялари жами сотув ҳажмида каттагина қисмини ташкил этмоқда, айниқса бу кўрсаткич ҳаёт суғуртасида катта бўлиб, Европа мамлакатларида бу 70 фоизгача етмоқда. Осиё мамлакатларида бу кўрсаткич нисбатан кичик бўлса-да, сўнгги йилларда 20 фоизгачани ташкил этмоқда.

XXI асрда иқтисодийнинг турли соҳаларида ахборот тобора марказий ўринни эгалламоқда, замонавий жамиятни рақамлаштириш жараёнини амалга ошириш давр талабига айланди. Бугунги кунда фойдаланилаётган маълумотлар миқдори юзлаб терабайт ва петабайтларни ташкил этмоқда. Саноат, бизнес, тиббиёт, суғурта соҳасида стратегик қарорларни қабул қилиш ва бизнес жараёнларни амалга ошириш учун зарур матн, рақамли, аудио, фото, видео-маълумотлар оқими доимий равишда ошиб бормоқда. Интернет, ижтимоий тармоқлар, видео, аудио ва геолокация хизматларининг ривожланиши натижасида ахборот маҳсулот ва хизматларига талаб доимий равишда ошиб бормоқда. Мижозларга бундай хизматларни таклиф қилиш учун корхона ва ташкилотларда турли манбалардан олинган катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш керак. Натижада давлат ва бошқарув органлари, телекоммуникация ва интернет провайдерлари, банклар, энергетика ва тижорат компаниялари учун тўпланган маълумотлар стратегик аҳамиятга эга активга айланади ва уларнинг фаолияти натижалари бошқарув самарадорлигига боғлиқдир.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Дунёнинг кўплаб олимлари томонидан риск ва суғуртанинг ўзаро боғлиқлиги, суғуртанинг жаҳон молия бозоридаги ўрни ва уни ривожлантириш зарурлиги ҳамда йўллари тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилган бўлиб, бундай фикрлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Нобель мукофоти лауреати Jozep E.Stiglitz риск ва суғуртанинг ўзаро боғлиқлигини англаш фундаментал тусга эга эканлигини ҳамда риск содир бўлиши оқибатида юзага келадиган муаммолар бутун иқтисодийёт бўйлаб тарқалганлигини таъкидлайди [1].

Stephanie Hussels ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида суғурта тармоғи жаҳон молия бозорининг ажралмас қисми ва суғурта компаниялари йирик институционал инвестор эканлиги қайд этилган [2]. Бу билан суғуртанинг иқтисодийёт ривожини учун қанчалик муҳим эканлиги кўрсатиб берилган.

Суғурта компаниялари фаолиятининг мақсади суғурталанувчилар талабларини қондиришга йўналтирилиши керак. Иқтисодийётнинг рақамлаштирилиши ушбу мақсадларнинг амалга ошишини нисбатан тезлаштирди. Истеъмомчилар учун хизматлардан фойдаланишнинг оддийлиги (сотиб олиш учун бир тугма), хизматдан фойдаланиш имкониятининг кечаю кундуз узлуксиз мавжудлиги ва етказиб беришнинг тезлиги; товар ва унинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ ва тушунарлилиги; рақамли технологиялар ёрдамида тақдим қилинадиган индивидуаллаштирилган инновацион хизматлар. Қисқа вақт ичида бундай мақсадларга эришиш суғурталовчи учун ўз фойдасини кўпайтириш имконини беради. Шу билан бирга, рақамли технологияларни жорий этиш товар ҳаракати билан боғлиқ харажатларни камайтириш имконини беради. Жараёнларнинг автоматлаштирилиши суғурта даъволари билан боғлиқ харажатлар ҳажмини ўртача 30 фоизга камайтириш имконини беради [3].

Маълумки, суғуртанинг назарий масалалари таркибида суғурта фаолияти ва давлат ўртасидаги муносабатлар муҳим ўрин тутаяди. Шу боис Е.Коломин суғурта фаолияти ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг назарий асосларини такомиллаштиришга ўз эътиборини қаратиб шундай ёзади: “Агар давлат суғурта ҳимояси билан тўлиқ таъминламаса, бундай ҳолатда у суғурта фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаши шарт” [4]. Мазкур тадқиқотчининг суғурта фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ назарий қарашлари О.Икромов ва Х.Шеннаевнинг қуйидаги илмий хулосаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган: “...Юқорида қайд этилган фармон ва қарорлар асосида суғурта соҳасининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларнинг яратилиши, шубҳасиз, суғурта хизматлари бозорининг жадал суръатлар билан тараққий этишига имконият яратади” [5].

Е.Н.Крапивина ва Ю.В.Июдаларнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда суғурта иқтисодийётни ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир. Унинг роли, биринчи навбатда, тадбиркорларни инновацияларни жорий этиш, уларнинг фаолиятини инновацион хатарларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича янада фаол сиёсат юритишларини рағбатлантирадиган “маҳсулдор бизнес” учун шароит яратишдан иборат [6].

А.Р.Мустафинанинг фикрига кўра, суғурта соҳасини ривожлантиришга бўлган қизиқиш у билан боғлиқ иқтисодийётнинг барқарор ривожланишини кафолатлаш, ушбу кафолат иқтисодийёт субъектлари фаолиятида юзага келадиган зарарларни қоплаш кафолатини бериш орқали амалга оширилади. Суғурта компанияларининг

бундай имкониятга эга бўлиши, уларда етарли даражада хусусий маблағларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, суғурта бозори шаклланиш жараёнида бўлган мамлакатларда ушбу бозорнинг ривожланиши мазкур мамлакатда инвестицион жозибаторликнинг мавжудлигига ҳам кўпроқ боғлиқдир. Бундай жозибаторликнинг мавжудлиги суғурта компаниялари инвестицион фаолиятининг ривожланиши ва натижада кўшимча капиталнинг кириб келишига олиб келади [7]. Мустафина томонидан келтирилган фикрлар тўғри, албатта, аммо тадқиқотчи суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги фақат хусусий маблағларнинг етарлилиги ва инвестицион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ эмас, балки энг муҳими кўп сондаги суғурталанувчиларнинг мавжудлиги ва улар томонидан тўланган суғурта мукофотларидан шакллантирилган захираларнинг етарлилигидир.

**Тадқиқот методикаси.** Ўзбекистон миллий суғурта бозорининг ижобий имижини шакллантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш борасида мавжуд илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солиштириш, банксуғурта ва big data технологияларидан фойдаланиш масалаларида статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Банкларнинг суғурта хизматларини сотишга бўлган қизиқиши молия бозорларининг ривожланиши, бозор иштирокчилари ўртасида ўзаро рақобатнинг кучайиши ҳамда аралаш молия хизматларини кўрсатиш орқали кўшимча даромадга эга бўлиш мақсадида ортиб борди. Банкларнинг суғурта компаниялари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида қарор қабул қилишларига асосий сабаб: кўшимча даромадга эга бўлиш, кўшимча хизматлар яратиш асосида мижозларни ушлаб туриш, мижозлар сонини кўпайтириш ва мижозларга сифатли хизматлар кўрсатишдан иборат [8].

Банксуғурта назарияси ўзида банк ва унинг ходимларига суғурта хизматларини сотиш назариясини ҳамда корпоратив ва чакана мижозларга суғурта маҳсулотларини сотиш назариясини бирлаштиради. Ушбу назариянинг муҳим томони, суғурта хизматларини банк ходими томонидан суғурта компаниясининг иштирокисиз амалга оширишидир.

Банксуғурта назариясини амалга ошириш учун суғурта компанияси томонидан қилинадиган биринчи қадам, банклар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, маълум талаблар

дан келиб чиққан ҳолда улар билан музокара-лар олиб боришдан иборат. Бунда суғурта компанияларининг йўл қўядиган кенг тарқалган хатоларидан бири барча банкларга бирданига ҳаракатни бошлашдир. Агар суғурта компанияси банк билан ҳамкорликни узоқ йиллар давомида амалга оширишни мақсад қилган бўлса, ходимларга таклиф қиладиган комиссия мукофотлардан ташқари банк учун яна бошқа ўзига тортадиган манфаатларни таклиф этиши зарур. Бундан ташқари суғурта компанияси банкни танлашда унинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва стратегиясидаги ўзаро ўхшашликлар, мижозларга юқори маданиятли хизматлар кўрсатилиши, қарорларни тез қабул қилиши ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратиши зарур.

Мамлакатимизда банклар билан суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада кенгайиб бораётганлигини инкор этиб бўлмайди. Ушбу ҳамкорлик банкларнинг кредит фаолияти билан боғлиқ рискларни суғуртавий кафолатлаш ҳамда инвестицион фаолиятда ўз аксини топмоқда. Суғурта бозорида тузилаётган суғурта шартномаларининг катта қисми кредит кафолати учун қўйилган мулк суғуртаси, кредит олувчининг ҳаётини суғурталаш ҳамда кредитларнинг қайтмаслигидан суғурталаш шартномаларидан иборат. Аммо банксуғуртанинг асоси сифатида банкларнинг суғурта бозоридаги воситачилик фаолиятини амалга оширишлари учун қонунчилик яратилган бўлсада, банксуғурта концепцияси амалда мавжуд эмас.

Ахборот ҳажмининг ошиши кўп миқдордаги маълумотларни самарали қайта ишлашга қодир бўлган дастурий таъминотнинг ривожланиши, шунингдек, ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш харажатларини сезиларли даражада пасайтириш билан бирга амалга оширилади.

Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш учун мўлжалланган платформа эҳтиёжнинг ошиши ва "Big Data" ("Катта маълумотлар") деб номланган хизматларни ривожлантиришнинг энг долзарб ва истиқболли йўналишларидан бири бўлган бундай маълумотларни минимал харажат билан тезда қайта ишлашга қодир техник воситалардан фойдаланиш имкониятлари ортиб бормоқда [9].

Accenture консалтинг компанияси томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, суғурта компаниялари раҳбарларининг 79 фоизи Big Data технологиясидан фойдаланмайдиган рақобатчиларнинг рақобатда ютқазиб қўйишлари эҳтимоли юқори эканлигини таъкидлашган [10].

Суғурта соҳаси ҳар доим маълумотлар таҳлилига асосланган. Бахтсиз ҳодисалар статисти-

каси ва суғурталанган шахснинг шахсий маълумотлари одамларни турли хавф тоифаларига гуруҳлаш ва фойда ҳамда харажатларини оптималлаштиришга ёрдам беради. Kyivstar компанияси мутахассислари Big Data билан ишлашни компания ичкарасидан бошлашни тавсия этади. Катта маълумотлар алгоритмларини амалга ошириш ақлий фикрлашни талаб қиладиган кўплаб жараёнларнинг самарадорлигини оширади. Яъни: суғурталанган шахснинг тарихини тезда текшириш, аризаларни кўриб чиқишни автоматлаштириш ва шу асосда мижозларга тез ва сифатли хизматларни тақдим этиш.

Автоматлаштириш ходимларнинг вақтини 50 фоизгача тежаш имконини беради. Катта маълумотлар технологияси компанияда қўлда амалга ошириб келинган кўплаб жараёнларни компютерлаштиришга ёрдам беради, иловаларни қайта ишлаш ва бошқарув харажатларини камайтиради. Рақобат шароитида бу тадбир суғурта хизмати нархининг пасайишига олиб келади. Масалан, Киевстар компанияси Украина суғурта компаниялари учун қуйидаги хизматларни таклиф этмоқда [11]: мижознинг профилини таҳлил қилиш; суғурта тўғрисидаги таклифларни бериш учун мақсадли аудиторияларни аниқлаш; суғурта ҳодисалари рўй беришининг скоринг прогнози.

Суғурта соҳасида катта маълумотларни қўллаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин: маркетинг ва сотиш; рискни баҳолаш ва тарифларни белгилаш; суғурта товламачилигига қарши кураш; тиббий суғурта.

Шу билан бирга, катта маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: ишончсиз маълумотларнинг кириб қолиши; моделлаштиришдаги хатоликларнинг юзага келиши; оппортунистик (ўз манфаати йўлида) хатти-ҳаракатларнинг юзага келиши; маълумотлар махфийлигига дуч келиш.

Келтирилган муаммоларни катта маълумотлар базасини шакллантириш масаласига жиддий қараган ҳолда, яъни киритилаётган маълумотларни ишончли манбалардан олиш ва уларни экспертизадан ўтказиш орқали юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда ҳар қандай шахс катта ҳажмдаги маълумотларни ижтимоий тармоқлардан, электрон почта ҳамда он-лайн-тўлов тармоқларидан олади. Мазкур шахс олаётган маълумотлар таркиби ва хусусиятидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мумкин. Бундай тизимлашмаган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, суғурта компаниялари янги мижозларни жалб этиш учун мақсадли реклама компанияларини ташкил этиши мум-

кин. Ҳар қандай соҳадаги мижозлар ўз соҳасида мутахассис бўлган компаниялар билан ишлашни хоҳлашади. Агентликларнинг маълум соҳага ихтисослашуви кўпроқ хоҳловчиларни жалб этиш имконини беради, чунки бундай ҳолатда потенциал суғурталанувчи амалдаги суғурталанувчиларда қандай ҳолатларда ва қандай ҳажмда қоплама олиш имконияти борлиги ва улар бунинг учун қанча суғурта бадали тўлаётганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлади.

Бошқа сегментларга нисбатан, айниқса, саёҳат суғуртасида катта маълумотлардан самарали фойдаланиш мумкин ва бу амалда ҳам мавжуд. Полис баҳосининг пастлиги ва чет эл саёҳати учун суғуртанинг мажбурийлиги суғурталаниш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтини қисқартиради. Big Data мижозлар билан ўзаро муносабатни тезлаштиради, мулоқотни автоматлаштиради ва тезда фойдали таклифни ишлаб чиқади.

Мулк ва бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ландшафти кўпроқ келажаги бор йўналишлар ҳисобланади, чунки Big Data рисклар ва мижознинг хатти-ҳаракати ўртасидаги эмпирик алоқаларни аниқлаш мумкин. Мисол учун, баъзи автокомпаниялар йўл шароитларини хабар қилинган бахтсиз ҳодисалар жами асосида баҳолайди ва мижозларнинг йўналишларини текширади. Катта маълумотларни жорий қилиш узлуксиз равишда ўсиб бормоқда ва суғурта компаниялари ушбу мақсадлар учун катта ҳажмда маблағлар киритмоқда. Натижада суғурта хизматларидан фойдаланиш имконияти яхшиланмоқда ва нархи пасаймоқда.

Big Data технологияларини самарали йўлга қўйиш суғурта компаниясида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш даражаси билан боғлиқ. Замонавий электрон-рақамли дунё суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорликка бевосита таъсир қилувчи рискларни имкон қадар аниқ ва тўғри баҳолаш мақсадида суғурталанувчиларни кенг қамровли маълумотлар билан таъминлаб, суғурта фаолияти учун кўплаб имкониятларни очиб беради. Шу билан бирга, рискларни баҳолашнинг сифатли моделини шакллантириш ва суғурта ҳодисаларининг юз бериш эҳтимолини прогноз қилишга бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Рақамли технологияларнинг оммалашуви ва такомиллашуви ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, иқтисодиётнинг тузилмаси ва таълимга таъсир кўрсатади, коммуникациялар, ҳисоблаш қувватлари, ахборот тизимлари ва сервисларга янги талабларни белгилаб беради. Замонавий шароитда ривожланган платформаларсиз технологиялар, институционал ва инфратузилмавий муҳитларсиз бозорлар

ва фаолият соҳаларининг динамик ривожланиши амалга ошмаслиги муқаррар [12].

Рақамлаштириш суғурталовчиларнинг баъзавий инновациялардан манфаатдорлигини белгилаб беради. Улар суғурта жараёнлари ва механизмларини соддалаштириш мақсадида рақамли технологиялардан борган сари фаолроқ фойдаланади. Бундай технологияларга, хусусан, автоматлаштириш, чатботлар (chatbots), маълумотга булут ичида ишлов бериш (cloud computing), сунъий интеллект элементлари бўлган технологиялар (artificial intelligence) киради.

Ҳозирги замон суғурта бозорида, айниқса, ривожланган мамлакатлар суғурта бозорларида информацион технологиялар шундай ҳаракатлантурувчи кучки, унинг ёрдамида суғурта компаниялари юқори даражада талабчан ва шошқалоқ миқозлар билан самарали ўзаро муносабат ўрнатиш имконига эга бўлади. Истеъмолчилар технологик янгиликларни яхши тушунган ва улардан кундалик ҳаётида фаол фойдалана олган ҳолда, ўз ўрнида суғурталовчилардан ҳам мос технологик даражадаги хизматларни кутди [13].

Ўзбекистонда ҳам миллий суғурта бозорида рақамли технологияларни қўллашни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [13] қарорнинг қабул қилинганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Мазкур қарор асосида суғуртанинг барча турларини электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилганлиги, барча суғурта полислари ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олинishi, 2023 йил 1 январдан бошлаб мажбурий суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинishi, ягона ахборот тизими негизида барча суғурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилишини таъминлаш, ягона ахборот тизимини вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш масалалари белгиланганлиги Ўзбекистон суғурта бозорида қисқа муддатлар ичида суғурта ишини рақамлаштириш сезиларли даражада кенгайишини прогнозлаш мумкин.

Суғурта компаниялари томонидан бошқа хўжалик субъектлари сингари InsurTech замонавий рақамли технологияларидан фойдаланиш бизнес-жараёнлар билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш муддатини камайтириш ҳамда унинг сифатини ошириш, рискларни индивидуал баҳолаш, суғурталанувчи талабларини кўпроқ

эътиборга олган янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш имконини беради [14].

InsurTech ўз ичига машиналарни ўрганиш технологиялари, сунъий интеллект, киберхавфсизлик бўйича ишланмалар, катта маълумотларни таҳлил қилиш, blokcheyn технологияси, нарсалар интернетини ва ҳозирда суғурта бозорида фаол фойдаланилаётган смартфон иловаларини ўз ичига олади. Улар кўпинча ўзаро кесишади ва бир-бирига кириб боради, ўзига хос дурагайларни ҳосил қилади, аммо бу моҳиятни ўзгартирмайди.

Бугунги кунда InsurTech, умуман, суғурта соҳаси ва шу жумладан, ушбу бозорнинг ҳар бир иштирокчиси ривожланишининг асосий элементидир. Бу – бутун дунё бўйлаб давом этаётган тенденция. Янги технологиялар, бизнинг фикримизча, миқознинг маълум бир миқознинг бир суғурта маҳсулотини олиши учун бориши керак бўлган йўлни қисқартириш ва енгиллаштириш учун ҳамда нархини пасайтиришга имконият яратиш учун мўлжалланган.

Пандемия InsurTech технологияларининг айрим йўналишлари ривожланишини сезиларли даражада тезлаштирди. Lockdown истеъмолчилар орасида энди ҳамма нарсани, шу жумладан, суғурта қилишни ҳам он-лайн тарзда амалга ошириш мумкинлигини амалда кўрсатди. Мазкур даврда тегишли технологиялар жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Бугунги кунда иккита тенденция давом этмоқда. Биринчиси, миқозлар ва компания ўртасидаги тўғридан-тўғри муносабатларни минималлаштириш. Бунинг асосий сабаби COVID-19 инқирозидир. Ваҳима йўқлигига қарамай, одамлар кераксиз алоқалардан қочишни афзал кўришмоқда. Бундай ҳолатда янги технологиялар, айниқса, суғурта компаниялари учун мўлжалланган мобил иловалар ёрдам бермоқда. Иккинчи тенденция – суғурта маҳсулотини шахсийлаштириш. Бу жуда катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олган мураккаб масаладир. Бугунги кунда бу сунъий интеллект ва Big Data ривожланишидаги замонавий ишланмалар туфайли мумкин бўлмоқда.

Глобал миқёсда InsurTech истиқболли саноатга ўхшайди. Хорижий мамлакатлар таҳлилчиларининг фикрига кўра, InsurTech глобал бозори 2024 йилга бориб, ўртача йиллик ўсиш суръати 36 фоизни ташкил этган ҳолда, 21,7 миллиард долларга етади. Бундай рақамлар ўз маҳсулотларини бозорга фаол равишда киритаётган стартапларни ҳам, уларнинг ривожланишига сармоя киритаётган инвесторларни ҳам, ўз фаолиятига янги ечимларни жорий этаётган суғурталовчиларни ҳам қизиқтиради ва ўзига жалб этади.

Суғурта бозори ва умуман, иқтисодиёти

ривожланиш жараёнида бўлган мамлакатлар суғурта бозорлари учун бир тенденция хос, бу ҳам бўлса, бундай бозорларда тўпланаётган суғурта мукофотлари ҳажми тезлик билан кўпайиб борса-да, улар томонидан суғурта ҳодисалари бўйича тўлаб берилаётган қопламалар ҳажми сезиларли даражада орқада қолмоқда.

Мисол тариқасида Польша давлати суғурта бозорини олиб қарайдиган бўлсак, мазкур мамлакат суғурта бозори мамлакатимиз суғурта бозори билан таққосланганда, суғурта компаниялари сони, улар томонидан тўпланаётган суғурта мукофотлари ҳажми, умумий ва ҳаёт суғуртасига ихтисослашган компаниялар нисбати, мамлакатда фаолият юритаётган чет эл суғурта компаниялари филиаллари сони, миллий суғурта компаниялари устав капиталларида чет эл суғурталовчиларининг улуши ҳамда тўлиқ чет эл капиталига асосланган суғурта компаниялари, ўзаро суғурталаш жамиятлари сони ва фаолият ҳажми каби кўрсаткичлар билан сезиларли даражада фарқланади.

Польша суғурта бозорида фаолият юритувчи суғурта бозори инфратузилмаси иштирокчилари ичида мамлакатимиздагидан фарқли равишда суғурталанганлар спикери, суғурта кафолат фонди ва суғурта таълими жамғармаси амал қилишини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу иштирокчилар ичида суғурталанганлар спикери ва суғурта кафолат фонди суғурта қонунчилиги билан мустаҳкамлаб қўйилган иштирокчилар ҳисобланади. Суғурталанганлар спикери “Суғурта назорати ва суғурталанганлар спикери тўғрисида”ги қонун асосида фаолият юритади. Спикернинг асосий функцияси суғурталанувчилар томонидан суғурталовчиларга нисбатан билдирилган норозиликлар ва аризаларни кўриб чиқишдан иборат бўлиб, ушбу норозилик ва аризалар суғурта компаниялари ва нодавлат пенсия фондларининг хатти-ҳаракатлари ҳамда суғурта бозори билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари экспертизасига алоқадордир. Суғурталанганлар спикери ва унинг органи суғурта ташкилотлари ва нодавлат пенсия фондлари томонидан молиялаштирилади. Бадал миқдори суғурта компаниялари учун улар тўплаган брутто-мукофотларнинг 0,01 % миқдоридан ва нодавлат пенсия фондлари учун аъзолар томонидан уларга тўланган бадалларнинг 0,01 % миқдорини ташкил этади [15].

Суғурталанганлар спикерининг таълим масаласидаги фаолияти суғурта таълими фонди воситасида амалга оширилади. Бу ихтиёрий тузилма бўлиб, аҳоли ўртасида суғурта тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтириш ҳамда суғурта маданиятини ошириш мақсадида спикер томонидан асос солинган. Ушбу фонд 1998 йилда таш-

кил этилган бўлиб, бир нечта доимий лойиҳалари амал қилади. Бундай лойиҳалар сифатида ҳар йили ўтказиладиган суғурта соҳасидаги диссертациялар, магистрлик ва бакалаврлик ишлари бўйича конкурслар бўлиб, ушбу конкурсларнинг натижалари “Суғурта газетаси”да эълон қилиб борилади [16].

**Хулоса ва таклифлар.** Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни бозор талаблари асосида йўлга қўйиш, банксуғурта концепциясини мавжуд қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда амалда қўллаш, ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларини қўллаган ҳолда Big Data технологияларини қўллаш ва Online технологияларини қўллаган ҳолда суғурта ишини йўлга қўйиш мамлакатимизда суғурта хизматларининг янги поғонага кўтарилишига, мавжуд рискларни суғурта хизматлари билан қамраб олиш ҳажмини кескин ошириш имконини беради. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ва Марказий банк ўртасида банксуғурта концепциясини амалга киритиш борасида амалга оширилган музокараларнинг амалий натижаси сифатида мавжуд қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда банксуғурта концепциясини амалга киритиш.

2. Чет мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ва ахборот технологияларининг ютуқларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкилотчилигида Big Data технологияларини амалда қўллаш учун зарур тадбирларни ташкилий тарзда амалга ошириш.

3. Польша суғурта бозорининг илғор тажрибаси сифатида мазкур бозорда амал қилаётган суғурталанганлар спикери, суғурта кафолат фонди ва суғурта таълими жамғармаси каби тушунчаларни Ўзбекистон суғурта бозорига жорий этиш ва амалда қўллаш бўйича ишлар олиб бориш. Шу мақсадда ушбу тушунчаларни қонунчилик асосида мустаҳкамлаш.

4. Польша тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда тобора камайиб бораётган қишлоқ хўжалиги суғуртасини жонлантириш мақсадида фермерлар суғуртаси бўйича кафолат фондини ташкил этиш.

5. Суғурта маданияти, суғурта саводхонлиги масалаларини йўлга қўйиш мақсадида Польша тажрибасидан келиб чиққан ҳолда суғурта таълими жамғармасини ташкил этиш орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта соҳасидаги билим ва тушунчаларини ошириш.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Jozep E.Stiglitz. Risk, incentives and Insurance: The Pure Theory of Moral Hazard, The Geneva Papers on Risk and Insurance, 8 (No 26, Janyary 1983). Pp. 4-5. <https://www.jstor.org/stable/41950058> Refreqid=excelsior%3A052513012729d3ca0849392ec4e3fab6&sed=1.
2. Stephanie Hussels, Damian Ward and Ralf Zulbruegg. Stimulating the Demand for Insurance. Journal "Risk Management and Insurance Review", 2005, Vol. 8, No. 2, p.259<https://doi.org/10.1111/j.1540-6296.2005.00059.x>.<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/j.1540-6296.2005.00059.x>.
3. Global Insurance Market Trends. – OECD, 2018. 36 p.
4. Коломин Е. Новый шаг к консолидации научных сил. // Журнал «Финансы», № 2, 2003. С. 47.
5. Икромов О., Шеннаев Х. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори. // "Молия" илмий журналы, 2008 йил, 1-сон. 36-б.
6. Крапивина Е.Н., Иода Ю.В. Тенденции развития рынка страховых услуг в России. // Социально-экономические явления и процессы. <https://cyberleninka.ru/article/n/tendentsii-razvitiya-rynka-strahovyh-uslug-v-rossii>. Т-13, 2018.
7. Мустафина А.Р. Роль региональной интеграции в развитии страхового сектора стран с формирующимся рынком. Диссертация на соискание уч. Степени к.э.н. – М., 2018.
8. Манчурак М.В. Ключевые принципы взаимодействия банков и страховых компаний и их развитие. // Страховое дело. № 8 (257). 2014 г. С. 20-27.
9. Шеннаев Х.М. Big Data технологияларидан суғурта фаолиятида фойдаланиш: АҚШ тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш ва рақамлаштириш масалалари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. ТМИ, 2020 йил 12 февраль.
10. Халикулова Г.Т. Рақамли технологиялар ва улардан суғурта бозорида фойдаланиш имкониятлари. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш ва рақамлаштириш масалалари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. ТМИ, 2020 йил 12 февраль.
11. Tadviser.ru. Insur Tech Тренды развития ИТ в страховании Киберстрахование Страхование кибер-рисков «Умное» страхование, 2021/11/24 15:16:40.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5265-сонли қарори. 2021 йил 23 октябрь.
13. Белозеров С.А., Чернова Г.В., Калайда С.А. Современные факторы развития российского страхового рынка. // Страховое дело. № 6 (303). 2018. С. 31-35. (<https://elibrary.ru/item.asp?id=35104759>).
14. Bilyk I.V. Osoblyvosti struktury ta infrastruktury strahovyh rynkiv Ukrainy ta Pol'shi. Teorija I praktyka finansiv: zarubizhnyj dosvid [Features of the structure and infrastructure of the insurance market in Ukraine and Poland. Theory and Practice of Finance: Foreign Experience] Svit finansiv [The world of finance], no. 1 (March 2008): 168.